

## **Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг вазифалари**

Касб касалликлари ва умумий касалликларнинг олдини олиш, ўз вактида илк босқичларида ташхислаш, bemорларнинг тиббий ва меҳнат реабилитацияси самарарадарлигини ошириш учун даволаш профилактика муассасалари ва касаба уюшмалари томонидан биргалиқда кўйидаги тадбирларни амалга оширишларини тавсия этилади:

1. Корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғи асосида ўтказилаётган дастлабки ва даврий тиббий кўрикларнинг сифатини ошириш;

2. Тиббий кўрикларни ўтказадиган даволаш профилактика муассасалари врачларининг касб касалликлари бўйича малакасини ошириш ва тиббий кўрикларнинг хulosалари касб касалликлари бўйича сертификатга эга бўлган шифокорлар томонидан амалга оширилиши юзасидан касаба уюшмалари назоратини олиб бориш;

3. Касаба уюшмалари фаолларининг малакасини ошириш бўйича ўкув марказининг дастурларига касб касалликлари, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғи асосида тиббиёт кўрикларини ташкил этиш ва кўрик хulosалари бўйича тадбирларни амалга оширишда, bemорларни тиббий ва меҳнат реабилитациясида касаба уюшмалари вазифалари юзасидан ўкув соатлари киритиш;

4. Касб касалликлари қайд этилган корхоналардаги иш жойларини шаҳодатлаш, даврий тиббий кўриклар натижаларининг объектив бўлишини таъминлаш максадида, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи, ушбу вазифаларни амалга оширишга лицензияси бўлган муассасалар томонидан амалга ошириш юзасидан касаба уюшмалари билан биргалиқда назоратни ташкил этиш;

5. Касб касалликлари келиб чиқиши хавфи юкори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида ходимларнинг даврий кўриклари ҳар 3 йилда касб касалликлари клиникасининг юкори малакали шифокорларидан тузилган маҳсус гурухлар томонидан ўтказилишини ташкил этиш;

6. Хусусий корхоналар, касаначилар, хунармандлар орасида касб касалликлари профилактикаси, уларнинг тиббий кўриклари, bemорларнинг тиббий ва меҳнат реабилитациясини ташкил этиш;

7. Касб касалликлари ташхисланган bemорларнинг ижтимоий химоясини таъминлашни яхшилаш, улар учун тиббий хulosалари ва тавсиялари асосида иш жойларини ташкил этиш, амалдаги қонунлар ва хужжатлар асосида уларга етказилган зарарни қоплаш юзасидан касаба уюшмалари назоратини кучайтириш;

8. Касб касалликларига чалинган bemорларнинг тиббий реабилитациясини амалга ошириш ва уларни самарали даволаш йўли билан ногиронлик даражасини камайтириш учун иш берувчилар томонидан санаторий-профилакторийлар ва бошқа даволаш муассасаларига бепул йўлланмалар, касаба уюшмалари тизимидағи санаторияларда улар учун имтиёзли жойлар ажратиш;

9. Корхоналар қошида ишлаб чиқаришдан ажралмаган холда даволаниш учун санаторий-профилакторийлар ташкил этиш.